

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2026 йил февраль ойининг 6 куни, жиноят ишлари бўйича Норин туман суди, Норин тумани “Норинкапа” МФЙдаги очик сайёр суд мажлисида, судья Т.Мелибоев раислигида, судья ёрдамчиси Д.Назаров котиблигида, давлат айбловчиси Норин туман прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Махмудов иштирокида, судланувчи [REDACTED] нисбатан юритилган 1-1605-2601/11-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

[REDACTED] 1977 йил 2 августда Норин туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, мавсумий ишлар билан шуғулланган, Наманган вилояти, Норин тумани, “Норинкапа” МФЙ, Тараққиёт кўчаси, 11-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олганни,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд, иш юзасидан судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки терговда тўпланган ва суд жараёнида текширилган далилларни муҳокама қилиб, уларга холисона баҳо бериб, жиноят ишидаги мавжуд ҳужжатларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] жиноят содир этиш йўли кириб, 2025 йил 27 ноябрь куни яшаш жойи Норин тумани, “Норинкапа” МФЙ, Тараққиёт кўчаси, 11-уйда ўтказилган тинтув тергов ҳаракати давомида, хонадони ертўла қисмида оқ шаффоф полиэтилен пакетга ўралган ўткир ҳидли, оч яшил-сарғимтир рангли, қуруқ ҳолатдаги таркибида актив гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол сақловчи, соф оғирлиги 4,35 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламасдан, ўзининг истеъмоли учун қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида баённома орқали ҳужжатлаштириб олинган.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, бир неча йиллардан буён турмуш ўртоғи онкологик касаллик билан бетоблиги, отасидан табибликни ўргангани, шунинг учун турмуш ўртоғини ўзи турли гиёҳлардан дори тайёрлаб табиблик қилиб даволаб келгани, далалардан турли гиёҳлар териб келиши, турмуш ўртоғи бир



неча йиллардан бери касал бўлгани сабабли сиқилиб қолиб, натижада стрессни босиш учун наша чекишни ўргангани, далаларда ўсиб ётган ўсимликларни фарқига борганлиги сабабали бундан икки йил аввал ёввойи наша ўсимлигини яшаш хонадонига териб келиб, уни қуришиб, қуриганидан сўнг майдалаб сигаретга қўшиб истеъмол қила бошлагани, 2025 йил 27 ноябрь куни соат 07.20 лар чамасида яшаш хонадонига ИИБ ходимлари келишгани ва икки нафар холис иштирокида уйда суднинг рухсати билан тинтув тергов ҳаракатини ўтказишгани, тинтувни ўтказишни бошлашдан олдин унга яшаш хонадонига ноқонуний нарса ва буюмлар сақланаётган бўлса ихтиёрий равишда тақдим қилишни сўралгани, уларга хонадонига ноқонуний нарса ва буюмлар сақламаётганини айтгани, кейин хонадонига ўтказилган тинтув давомида уйининг ертўла қисмидан бир дона таги тешилган баклашка ва озроқ миқдорда оқ рангли қоғозга ўралган ҳолатда қурилган наша ўсимлигини топишгани, шунда бу нашани ўзига тегишли эканлигини, уни октябрь ойида Норин дарёси бўйидан териб келиб қуришиб қўйганлигини, уни ўзи истеъмол қилмоқчи бўлганини айтгани, ИИБ ходимлари нашани ва таги тешилган баклашкани тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олишгани, сўнг нашани Норин тумани марказий дорихонасида тарозида ўлчашганида, уни оғирлиги 4,73 грамм эканлиги аниқлангани, гиёҳвандлик моддасини мунтазам истеъмол қилмаслиги, уни сиқилиб қолган вақтларида чекиши, ҳозирда қилган ишдан пушаймонлиги, оилавий шароитини инобатга олиб унга қонуний энгиллик берилишини сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ „……………“ судда, 2025 йил 27 ноябрь куни соат 07.00 ларда яшаш хонадонидан ишга чиқиб кетаётган вақтида профилактика инспектори келиб, маҳалласида яшовчи „……………“нинг яшаш хонадонига тинтув ўтказилишини, тинтув тергов ҳаракатида холис сифатида иштирок этишини сўрагани, шундан сўнг яна бир холис М.Жамолова билан бирга ИИБ ходимларининг таклифига асосан „……………“нинг яшаш хонадонига ўтказилган тинтувда иштирок этишгани, „……………“нинг яшаш хонадонига тахминан соат 07.20 ларда боришгани, ИИБ ходимлари унга уйда тинтув ўтказилишини маълум қилиб, ноқонуний нарса ва буюмлар бўлса ихтиёрий тақдим қилишни айтишгани, „……………“ уйда ноқонуний нарсалар йўқлигини маълум қилганидан кейин тинтув ўтказилгани, тинтув давомида хонадонининг ертўла қисмидан оқ шаффоф полиэтилен пакетга ўралган ўткир ҳидли, оч яшил-сарғимтир рангли, қуруқ ҳолатдаги ўсимликнинг майдаланган бўлаклари, 0,5 литрли ҳажмдаги, пастки томони олов таъсирида куйдириб тешилган пластик сув идиш аниқлангани, ИИБ ходимлари бу нарсаларни текшириб кўриш учун олишгани, „……………“ уйдан топилган нарсалар ўзига тегишли экани, ўсимликнинг майдаланган бўлаклари наша экани, уни ўзи истеъмол қилишини айтгани, уни уйдан бошқа нарсалар топилмагани



ва олинмагани, кейин тинтув ўтказилгани бўйича хужжатлар расмийлаштирилгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, судланувчи „.....“ турмуш ўртоғи экани, 2025 йил 27 ноябрь куни эрталаб соат 07.30 лар чамасида яшаш хонадонига ИИБ ходимлари келиб, икки нафар маҳалла вакилини холислигида тинтув ўтказишгани, тинтув давомида хонадонлари ертўла қисмидан оқ шаффоф рангли полиэтилен пакетга ўралган ўткир ҳидли, оч яшил-сарғимтир рангли, қуруқ ҳолатдаги ўсимликнинг майдаланган бўлаклари кўринишдаги моддалар ҳамда 0,5 литрли ҳажмдаги пастки томони тешилган бир дона пластик идиш аниқлангани, ИИБ ходимлари бу нарсаларни текшириб кўриш учун ўзлари билан олишгани, кейинчалик уйдан топилган нарсани наша эканлигини билгани, турмуш ўртоғи яшаш хонадонига гиёҳвандлик моддаларини сақлаб келаётганини билмагани, уни наша чекишидан хабари бўлмагани, уни қаердан олганлигини ҳам билмаслиги, ўзи оғир бетоб бўлгани, турмуш ўртоғи оиласининг ягона боқувчиси эканлиги, унга енгиллик берилишини сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи „.....“нинг Норин тумани, “Норинкапа” МФЙ, Тараққиёт кўчаси, 11-уй манзилидаги яшаш хонадонига 2025 йил 27 ноябрь куни ўтказилган тинтув давомида оқ шаффоф рангли полиэтилен қоғоз парчасига ўралган ҳолатдаги ўткир ҳидли, оч яшил-сарғимтир рангли, қуруқ ҳолатдаги ўсимликнинг майдаланган бўлаклари кўринишдаги моддалар ва 0,5 литр ҳажмдаги, ўрта қисмида ишлаб чиқарувчи корхонага тегишли пушти рангли юзасида турли хилдаги бадий безаклари бўлган ёрлиқ ёпиштирилган, оғзи кўк рангли пластмасса қопқоқ билан беркитилган, пастки томони олов таъсирида куйдириб тешилган бир дона полимер идиш (бакалашка) аниқланиб, ушбу нарсалар баённома асосида текшириб кўриш учун олинган.

Иш юзасидан ўтказилган судга оид кимёвий экспретизаси бўйича Наманган вилоят ИИБ ЭКМнинг 2025 йил 28 ноябрдаги 2321-сонли хулосасида, „.....“нинг яшаш хонадонидан олинган моддалар таркибида ҳамда полимер идиш (бакалашка) ички юзасида актив гиёҳванд модда тетрагидраканнабинол моддалари ва унинг излари мавжудлиги, ўсимликсимон модда “марихуана” гиёҳвандлик воситаси бўлиб, унинг соф оғирлиги 4,35 грамм эканлиги кўрсатилган.

РИРСИАТМНХБ Наманган вилояти филиалининг 2025 йил 5 декабрдаги 617-сонли судга оид наркология экспертизаси хулосасида, „.....“ вилоят наркология диспанчерига ҳисобда турмаслиги, гиёҳвандлик моддани чекиш йўли билан истеъмол қилиши, гиёҳвандлик касаллиги билан оғримаслиги, мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрь кунги 878-сонли “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб



кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тартибида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомилада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида” қарорига асосан “марихуана” гиёҳвандлик моддаси Ўзбекистон Республикасида эркин муомаласи тақиқланган гиёҳвандлик воситалари туркумига кириши, шунингдек, унинг қуритилган ҳолда 1 граммдан ортиғи жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши, 1 граммдан 10 граммгача бўлган миқдор озгинадан кўпроқ миқдорни ташкил этиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 28-моддасининг 5-қисмида, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Бироқ, судланувчи „.....“нинг содир этган жинояти, унинг судда қилмиш айбига иқrorлик билдириб берган кўрсатуви ҳамда юқорида қайд этилган далиллардан ташқари, гувоҳ М.Жалоловнинг дастлабки терговда берган кўрсатуви, жиноят ишидаги тинтув, нарсани оғирлигини ўлчаб кўриш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари ва уларга илова қилинган фотосуратлар, “Namangan dori-darmon” АЖ 4-сонли дорихонаси маълумотномаси, ашёвий далиллар, қабул қилиб олиш далолатномаси ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан йиғиндиси билан исботланади.

Суд, „.....“нинг жиноий қилмиши квалификация масаласини муҳокама қилиб қўйилдаги тўхтамга келди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 16-бандида, ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги, шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда



текширилган бошқа далиллар билан холисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан „.....“нинг қилмиш ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.

Суд, „.....“га нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, унинг содир қилган жиноятини қасддан содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят деб топиб, айбига иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг жиноят содир этишида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолайди.

Шунингдек, суд „.....“га нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, судланувчининг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва оғирлик даражасини, оилавий шароитини инobatга олиб, унга нисбатан ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган доирада ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд, ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, экспертиза тадқиқотларидан кейин қолган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ Наманган вилояти бошқармасига сақлаш учун топширилган 4,31 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситасини, остки қисми тешик 1 дона 0,5 литр ҳажмли пластик идишни йўқ қилинишини белгилашни лозим топади.

Бинобарин, суд баён этилганлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463-465, 466-468, 471-473-моддаларига амал қилиб,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи

..... Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилсин.

.....га Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назорат қилувчи орган белгилаб берган жойларда ўтатирилиб, жазо муддати ҳукм ижрога қаратилиб, назорат қилувчи орган ҳисобига олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Норин туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Судланувчи „.....“га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси мазкур ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далиллар Ўзбекистон Республикаси ДХХ Наманган вилояти бошқармасига сақлаш учун топширилган 4,31 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситаси, остки қисми тешик 1 дона 0,5 литр ҳажмли пластик идиш йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида апелляция тартибида, агар иш апелляция инстанциясида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида мазкур суд орқали Наманган вилоят суди жинойт ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

Т.Мелибоев

